



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

# ЖАМИЯТ

№ 03  
(924)  
2025 йил  
23 январь,  
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

Мұхоказа

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

“аҳоли манфаатларига  
хизмат қилиш” тамоили  
асосида йўлга қўйилмоқда

Сўнгти йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фаолият юритувчи бошқарув тизимини шакллантириш бўйича кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, маҳаллий ҳокимликларнинг моддий-техник таъминоти ва уларнинг ходимлари меҳнатига хақ тўлаш тизими қайта кўриб чикилиб, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва уларни бошқариш бўйича маҳаллий органларнинг мустақиллигини амалда таъминлашга эришилди.

Қолаверса, давлат функцияларини амалга оширишда хусусий сектор ҳамда фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш бўйича жорий этилаётган ислоҳотлар давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари фаолияти натижадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Президентимиз томонидан “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” деган ғоянинг илгари сурилиши натижасида ҳукumat ислоҳотларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини иттифоқчи сифатида кўра бошлади. Бу эса, мамлакатда новдавлат нотижорат ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши учун янада кўпроқ имкониятларни яратишда, конунчиликдаги ўзgartиришлар ва ташабbusларда намоён бўлди.

Хусусан, новдавлат нотижорат ташкилотларнинг ўсиш тенденциясига уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирларнинг ижроси беносита таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, шу соҳада 200 дан ортиқ меъёрий-хукукий хужжат қабул қилинган бўлиб, ННТларни хар томонлама кўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилган. Бу эса мамлакатда ННТлар фаолиятининг кенгайишига оид барча ташкилий-хукукий механизmlар шакллантирилгани ва бу жараён мустаҳкамлаб борилаётган билан характерлиdir.

(Давоми 2-саҳифада)



## ФИТНА ТАРГИБОТИ

ёхуд

### Шўро мустабидларининг мафкуравий қуороли

Армиянинг, қўшиннинг кучи нимада? Айниқса уруш ва ҳарбий низоларда унинг энг қучли қуороли нима бўлиши мумкин? Табиийки, бу саволга энг замонавий қуоролларни, ажал ёғдирувчи воситаларни санаб жавоб берса бўлади. Мақоламиизда бундай қуороллардан қучли восита хақида сўз юритмоқчимиз. Ижтимоий онгни заҳарлайдиган, фалаж қиласидиган, фитналарга коммуникатив майдон бўладиган матбуотни назарда тутипмиз.

Шўро ҳукумати ҳокимият тепасига келгач, 1918 йилнинг январида ишчи деҳқон Қизил армиясини ташкил этиш тўғрисидаги декрет имзолади. Сиёсатини куч ёрдамида мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам қўйди. Энг қизиги, навбатдаги қадам газета чоп этишга қартилди. Аниқроғиқизил қўшин учун Россияда “Рабочая и крестьянская Красная армия и флот” газетаси чоп этила бошланди. 1918 йилнинг 31 январида шўролар давлатида ҳарбий нашрнинг илк сони дунё юзини кўрди. Туркistonда-чи? Халқимизнинг озодлик, эрк ғоясини қилич билан қонга ботирган Туркфронтда қизил армиянинг илк газетаси чоп этилиши учун бироз вақт

керак бўлди. 1918 йилнинг 19 октябрига келиб, Тошкентда совет ҳукуматининг илк ҳарбий нашри “Красноармеец” чиқа бошлади. Туркistonнинг ҳарбий газета чоп этиш бобида Марказий Россиядан бунча узилиб қолишига сабабларни П.Агапов “Военная печать Туркестана в годы гражданской войны (1918-1920 гг.)” мавзуусидаги диссертация авторефератида куйидагича изоҳлади:

- маҳаллий ишчилар марказнинг илгор тажрибалиридан фойдаланиш имкониятидан маҳрумлиги;
- зарур моддий ёрдам берилмаганлиги;
- Туркistonда армияни ташкил этиш даври чўзилиб кетганини;
- зарур адабий ходимларнинг этишмаслиги;
- зарур полиграфик базанинг этишмаслиги.

(Давоми 4-саҳифада)

## ҚУЁШГА МЕНГЗАШ НОНЛАР

Хоразм нонларининг бошқа минтақаларнидан фарқланадиган жиҳатлари талайгина. Ана шулардан бир – бу неъматнинг номланиши ҳамдир. Одатда воҳа одамлари нонни бир неча турларга бўлиб номлашади. Жумладан, қадимдан чўрак патир, зогора, патрак, кўмма каби нон нурлари мавжуд.

Чўраклар ҳам бир қанча турларга ажralиб, асосан ўзининг айланаси 70-75 сантиметрдан иборатлиги билан фарқланиб туради. Қолаверса, Хоразм нонлари Самарқанд, Тошкент ва Фарғона водийси нонларига ўхшаб қалин қилиб ёпилмайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Аксарият зиё аҳли “чўрак” сўзи форсий тилга мансуб бўлиб, “чиҳ хўрак”, яъни қирқ емиш ёки қирқ хил овқат ўрнини босадиган хўрак

деган маънони англатади, деб фикр билдирадилар. Филология фанлари доктори, Урганч давлат университети профессори Зарифбой Дўсимов эса бу фикрни инкор қиласар экан, “чўрак” сўзи ҳақиқий туркӣ сўз бўлиб, ҳозирги кунда Хоразм ўзбекларидан ташқари туркман, корақалпоқ ва озарбайжонларда ҳам учрашини таъкидлайди.

Маълумки, қуйи Амударё ҳавзаси атрофидаги минтақалар кескин континентал иқлимга эга. Ёзининг

қуруқ иссиқ ва қишининг қуруқ совуқ бўлиши айрим ҳолларда қон босимининг ошиши, ошқозон ва жигар касалликларининг келиб чиқишига омил бўлиши мумкин. Бундай вазиятда парҳезга риоя қилиш талаб этилади. Қалин кулча нонлар одатда типертония касаллигига чалинган қишиларнинг қон босимини ошириб юбориши мумкин. Тиббиёт ходимлари бунинг асосий сабаби – қалин ёпилган нонларнинг ичи тўлиқ пишмай қолишида деган фикрни илгари сўрадилар. Чала пишган ҳамир одатда мөъда, талоқ, жигар, ўт пуфаги функциясининг бузилиши, қон босимининг кўтарилишига олиб келиши мумкин экан. Агар юпқа ёйилган ҳамир оловда қизариб, яхшигина тобланиб пишса, уни ҳазм қилиш анча енгил бўлди. Шу боис хоразмликлар нонларни офтоб гардишидек катта, ва юпқа қилиб тандирга ёпишади.

(Давоми 7-саҳифада)

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

“аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида  
йүлга қўйилмоқда

(Боши 2-саҳифада)

Буни Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўсиш динамикаси йилдан-йилга прогресив давом этаётганида ҳам кўриш мумкин.

Қолаверса, 2023 йилда қабул қилинган Янги таҳрирдаги Конституциямизга илк бор фуқаролик жамияти институтлари деган алоҳида боб киритилди. Давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларига риоя этилишининг таъминланиши, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилиши конституциявий норма билан кафолатланди. Натижада, 1991 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада 95 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, 2000 йилнинг 1 январига келиб уларнинг сони 2585 тага, 2016 йилда 8417 тага, ҳозирги кунда эса 9200 га яқинни ташкил этмоқда.

Қолаверса, бугунги кунда аҳоли билан очиқ мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этишда давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентнинг 2024 йил август ойидаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан кўллаб-куватлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланишига оид тартиб жорий қилинди. Ушбу тартиб ҳам фуқаролик жамияти институтлари жамиятда очиқлик ва ошкораликни таъминлашда ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини шакллантиришдаги ташаббускорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Эътиборли жиҳати, Давлат бошқарувини тақомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар узвий давом эттирилиб, 2025 йил – “Атроф-мухитни асрараш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури лойихасида ҳам ушбу йўналишга қаратилган бир қатор устувор мақсад, вазифа ва чора-тадбирлар таклиф этилган.

Лойихада давлат бошқаруви органлари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш мақсадида бошқарувда бир-бирини тақрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш,

ракамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштиришни назарда тутувчи бир қатор вазифалар белгиланмоқда.

Жумладан, Давлат дастури лойихасининг 75-мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини ҳалқнинг чинакам “овозига” айлантириш учун маҳаллий Кенгашларнинг 300 дан ортиқ функцияларини қайта кўриб чиқиб, улар фаолиятига хос бўлмаганларини бекор қилиш ҳамда улар фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш таклиф этилмоқда.

Албатта, бугунги кунда маҳаллий Кенгашларнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий химоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиб, ҳалқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Аммо, жорий йилги Давлат дастури орқали улар фаолиятини янада жонлантиришга қартилган бир қатор ташкилий тадбирларни амалга ошириш ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, Кенгаш мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг моддий-техник базасини кучайтириш мақсадида Президентнинг 2024 йил февраль ойидаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни тезроқ татбиқ этиш зарур. Бундан ташкири, бугунги кунда айрим Кенгаш қарорларининг ёпиқ ҳолатда қабул қилиниши фуқаролар ва жамоатчилик эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шу боис, қонунчиликда Кенгаш сессиясида кўрилган масалалар юзасидан чиқариладиган қарорни “Е-загор” электрон тизимида ёпиқ шаклда жойлаштириш, Кенгаш депутатлари камидан учдан икки қисмининг ташаббусига асосан амалга оширилишини, бунда қонунчиликда алоҳида белгиланган ҳолатлар мустасно эканлигини белгилаш лозим.

Шунингдек, Давлат дастури лойихасининг 76-мақсади доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти ижро органлари фаолиятини “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида йўлга қўйиш учун ҳокимликларга юклатилган 500 дан ортиқ вазифа орасидан улар фаолиятига хос бўлмаганларини бекор қилиш ва ҳокимликлар фоолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш назарда тутилмоқда.

Албатта, қуйи тизимда энг муҳим бўғин бўлган ҳокимликларнинг вазифа ва функциялари тизимлаштирилиши фуқароларнинг ортиқча оворагарчилиги олди олинишига хизмат қиласди. Шу билан бирга, ҳокимликлар ҳамда ижро органи тизимига қилинган мурожаатларни автоматик тарзда масъулларга тақсимлаб берувчи ва ижро муддатини назорат қиладиган платформани ишга тушириш даркор. Шундагина, фуқаролар мурожаати ўз вақтида ҳал этилиши, уларнинг давлат хизматчиларига нисбатан ишончи ортишига эришилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугун ҳаётимизни рақамли технологиялар ва турли хилдаги платформаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундан 7-8 йил олдин реалликдан йироқ бўлган, юзлаб километр масофани босиб туман ёки вилоят марказларига фуқаро шахсан ўзи ташриф буюрмаса ҳал бўлмайдиган ишларни бугун ишхонадан ёки уйдан чиқмасдан ҳал қиласди. Бу инсонларнинг вақти ва маблагини тежаш билан биргаликда, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги турли хил кўринишдаги бюрократик тўсиқларни ҳам бартараф этмоқда.

Шу боис, жорий йилги Давлат дастури лойихасида давлат хизматларини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш орқали, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда бюрократик тартиботларга барҳам бериш мақсадида қуидагилар тақлиф қилинган:

■ электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушкини 100 фоизгача етказиши;

■ факат Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар улушкини 50 фоизгача етказиши;


■ лицензиялаш ва рухсат бериш ҳужжатларини камидан 20 фоизга қисқартиши;

■ лицензиялаш ва рухсат бериш ҳужжатларининг 50 фоизини соддалаштириши;

■ 300 тага яқин давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириши;

■ камидан 300 та давлат хизматларини хусусий секторга ўтказиши тақлиф қилинмоқда.

Албатта, юкорида айтиб ўтганимиздек, бугун мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳалардаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳамда жойларда сақланиб қолаётган долзарб муаммоларни ҳал этишда фуқаролик жа-



мияти институтларининг ўрни юқори бўлмоқда.

Жумладан, Давлат дастури лойихасининг 83-мақсадида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида яқин мулоқотни йўлга қўйиш, соҳа ва тармоқда сақланиб қолаётган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш механизмларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ижтимоий шерикликда амалга ошириладиган лойихалар сонини камидан 3 баробарга кўпайтириш, давлат дастурларида иштирок эттаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сонини камидан 80 тага етказиши ҳамда камидан 500 нафар нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шулар жумласидандир.

Маълумки, худудларда ижтимоий аҳамиятга молик лойихаларни белгилашда маҳаллий Кенгашларнинг ўрни юқори. Қолаверса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда ҳамда натижадорлигини оширишдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг ўз худудидаги таъсир доирасини ошириш мақсадида ҳам маҳаллий Кенгаш сессияларида ННТлар ҳам иштирок этиш амалиётини йўлга қўйиш келгусида ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2025 йилда амалга ошириш қаратилган Давлат дастури лойихасида ҳам ҳалқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этишига, хусусан, давлат ҳокимияти тармоқларининг иш жараёнларини мақбуллаштириш, Парламентнинг ролини янада кучайтириш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тақомиллаштириш ва маҳалла институтининг ролини ошириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида яқин мулоқотни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур йўналишда олиб борилётган ислоҳотлар ҳалқимизни рози қилиш ҳамда Янги Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдонда кенг эътироф этилишига хизмат қиласди. Бу эса мамлакатда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислоҳотлар, олиб борилаётган прагматик ички ва ташкил сиёсатнинг қанчалик тўғри ва самарали эканидан далолат беради.

**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,  
Демократик жараёнларни  
тахлил қилиш маркази эксперти,  
Халқ депутатлари Арнасой  
туман Кенгаши депутати**



# АТРОФ-МУХИТНИ АСРАШНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИ

*Бугун экология ва атроф-мухит муҳофазаси йўлида бошланган кенг қамровли ишлар мамлакатимиз аҳолисининг қулай атроф-мухитга эга бўлиши хукуқини таъминлаши билан бир қаторда, уларнинг соглигини сақлаши, она табиатимизни келгуси авлод учун соғлигича етказилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши каби ҳаётий мақсадларни қамраб олгани билан аҳамиятиди.*

Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан 2025 йилга “Атроф-мухитни асрash ва яшил иқтисодиётйили” деб ном берилгани ва бутаклиф нафакат кенг жамоатчилик томонидан, балки халқаро миқёсда фаол кўллаб-кувватланганинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг глобал экологик муаммоларга қарши фаол курашга киришганини, бу борадаги ишлар янги боскичга чиқаётганини ифодалайди.

“Атроф-мухитни асрash ва яшил иқтисодиётйили” йилида амалга ошириладиган ишларга оид Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига кўйилди. Ушбу кенг қамровли хужжат мамлакатимизда атроф-мухит муҳофazаси ва экологик масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини ифода этиши билан бирга, Ўзбекистонда глобал экологик таҳдидларга қарши курашишнинг ўзига хос платформаси яратилаётганидан дарак беради.

Аввало, Дастур лойиҳасида давлатимиз ривожланишининг устувор ёндашувлари тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил трансформация”сини амалга ошириш, уларнинг рақобатбардошлиги ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш ҳамда ахолининг яшаш сифатини яхшилаш ва иқтисодий ўсишнинг янги “яшил ривожланиш” моделига ўтишнинг аниқ ва самарали йўналишлари белгилаб берилган.

Бугунги кунда иқлим ўзгариши шароитида сув ресурслари тобора қисқариши мамлакатимиз учун ҳам долзарб муаммола айлануб бормоқда. Дастур лойиҳасида ёмғир ва оқова сувлардан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, янги қуриладиган кўп хонадонли уй-жойларга туташ худудларда ёмғир сувини йигиши, сақлаш ва дараҳтларни суғоришда фойдаланиш тизимини йўлга қўйилиши орқали ҳудуддаги яшилликни таъминлаш мумкин бўлади.

Маълумотларга кўра, Ўзбеки-

стон шароитида уй ва бино-иншоотлар томларидан тўпланиб тушган ёмғир сувини мослаштирилган сув сақлагачларда йигиши бир йилда 1 квадрат метр том сатҳидан ўрта ҳисобда 186 литрга тенг ёмғир сувини тўплаш имконини беради.

Йирик шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ёмонлашуви бугунги кундаги долзарб экологик муаммола айлануб бормоқда. Бу борада ҳам Дастур лойиҳасида муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

2025 йил 1 майдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида аҳоли саломатлиги ҳамда атмосфера ҳавоси учун ҳавф тугдирадиган асбест, цемент ишлаб чиқариш, шлам ва шлаклар, тери-кўнчилик, паррандачилик фабрикалари, самарадорлиги юқори бўлган чанггаз тозалаш иншоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўумир ёкиш, қора ва рангли металлургия заводлари, таркибида заҳарли аралашмалар бўлган ойна, заҳарли кимёвий моддалар билан ишлаш, хавфлилик даражасининг I ва II синфиға мансуб чиқиндиларни қайта ишлаш ва ёкиш корхоналари каби янги лойиҳалар тақиқланиши назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, ахолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рӯёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам хужжат лойиҳасида алоҳида ўрин олган.

Бу борада ахолининг кундалик ҳаётига экологик тамойилларни сингдириш орқали мамлакатимизда “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилиши, бунда аҳоли орасида кунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш, “яшил транспортда”, шу жумладан, велосипедда ҳаракатланишини рағбатлантириш каби чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Давлат дастури лойиҳасида “Бир

миллион яшил оила” умуммиллий ҳаракати доирасида платформани ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бу платформа бир сутка давомида камида ўн минг қадам юришни тарғиб қилиш, бу кўрсаткичларга эришганларга “Экофаол фуқаро” мақомини бериш ҳамда улар учун давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоиз чегирма ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банкларда истеъмол кreditини олишда чегирма тақдим этиши, оиланинг барча вояга етган аъзолари “Экофаол фуқаро” мақомини олганда, ушбу оиласи “яшил оила” мақомини бериш ҳамда уларга ҳар ўили лотерея орқали 14 та электромобиль бериш каби имтиёзларни назарда тутади.

Маълумки, пластик пакетлардан фойдаланиб бўлингандан сўнг у чиқиндига айланади. Тўпланган пластик пакетлар атроф-мухитга ва инсон саломатлигига салбий таъсир қўрсатиши билан бирга уларнинг парчаланиши учун юз йиллаб вақт талаб этилади. Дастур лойиҳасида 2027 йилдан бошлаб пластик пакетларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва улардан фойдаланишни тақиқлаш ҳамда экологик жиҳатдан заарсиз (биопарчаланувчи) пакетлардан фойдаланишни рағбатлантириш чоралари кўзда тутилган.

Шу билан бирга, чиқиндилар соҳасини тартибга солувчи, қабул қилинганига 20 йилдан ошган, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда атроф-мухитни асрash ва “яшил” иқтисодиётга боскич-ма-боскич ўтиш тамойилларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Қайд этиш жоиз, Дастур лойиҳасида белгиланган “Атроф муҳит мониторинги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши атроф-мухит ифлосланиш даражасини реал вақт режимида аниқлаш, унинг экологик ҳолатини баҳолаш бўйича фаолиятни хукуқий жиҳатдан тартибга солиш, атроф-мухит

мониторинги тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда атроф-мухитга салбий таъсир юзага келишини прогнозлаштириш, табиий ресурслардан фойдаланишни тизимли равишда кузатиш, аҳолини ахборот билан таъминлашнинг хукукий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Яна бир жиҳат, Давлат дастури лойиҳасига кўра, атроф-мухитни муҳофаза қилишда кўпроқ рағбатлантирувчи механизmlарни кўллашга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик субъектларини “яшил тадбиркор” сифатида эътироф этишга қаратилган экологик мезонларга асосланган платформани ишга тушириш режалаштирилмоқда. “Яшил тадбиркор” мақомини олган тадбиркорлик субъектига “Шаффоф қурилиш” платформасида устуворлик бериш, муайян муддат давомида экологик текширувлардан озод этиши, халқаро бозорларга чиқиш учун қўллаб-кувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейtingи доирасида қўшимча балл бериш кўзда тутилмоқда.

Биз, депутатлар Президентимиз Фармони ҳамда муҳокама учун тақдим этилган Давлат дастурида белгиланган барча чора-тадбирларни қўллаб-кувватлаган ҳолда, ҳар бир вазифа ижросида фаол иштирок этишга бел боғлаганмиз. Айни йўналишдаги қонун хужжатларини такомиллаштириш, юртимизда яшил ҳаётни яратишга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, парламент ва депутатлик назоратини фаол амалга ошириш асосий вазифамизга айланади. Пировард мақсад эса, Ўзбекистонда инсон учун қулай атроф-мухит яратиш, ахолининг фаровонлиги ва саломатлигини таъминлаш, барқарор “яшил” иқтисодиётни ривожлантиришdir.

**Ойбек РАҲИМОВ,**  
**Олий Мажлис Конунчилик**  
**палатаси депутати, Ўзбекистон**  
**Экологик партияси фракцияси**  
**раҳбари ўринbosари**



(Боши 1-саҳифада)

Олимнинг фикрига асослансан, юртимизда ҳарбий газетани чоп этиш учун сиёсий, ижтимоий, молиявий муаммолар мавжуд бўлгани ҳақида хулоса келиб чиқди. Бу қизил армия тузилганидан 10 ой ўтиб, Туркистонда ҳарбий газета чоп эта бошланиши ортида жиддий саъй харакатлар бўлганидан далолат бермайдими? Шу мантиқка суюнсанак, “қисқа вақт ичид” масала ҳал этилган бўлади, бизнингча. Хўш, Туркистонда қизил армия қўшинини тузиш учун ташкилий ишларда муаммолар бўлиб турган бир пайтда, нега большевиклар газета чиқаришга катта куч ташлашди?

Тарихчи олимларимизнинг қайд этишича, большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон ҳалқлари учун ёт тушунча эди ва маҳаллий аҳоли унга бошиданоқ қарши турди. Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунларда бошқарувга маҳаллий ҳалқ вакиллари жалб этилмай, ҳақ-хукуқлари топталди. Бу эса Туркистонда ўрнатилган тузум чор Русияси мустамлакачилигининг янги шакли эканлигини кўрсатди. Шўро ҳукумати ўрнатилган пайтдан маҳаллий ҳалкнинг урф-одатлари, қадриятлари топталди. Масалан, қози судлови бекор қилиниб, вакф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклларига чек кўйилди. Санаб ўтилган мана шу омиллар, энг муҳими Туркистон муҳториятининг қонга ботирилиши ортидан миллий истиқлолчилик харакати авж олди. Туркистонда ил совет ҳарбий нашри “Красноармеец” газетаси чоп этилишидан зарурат айнан мана шу сабаб ва воқеиликларга боғланади. Нега ва қандай, деган савол туғилади. Бунга жавоб бериш учун манбаларга юзландик ва изланишлар олиб бордик.

Агаповнинг фикри билан айтганда, Туркистон фронт ҳалқаси ичидан қолган ва большевиклар душманнинг қақшатқич зарбаларини қайтаришга мажбур бўлган мураккаб даврда “Красноармеец” чоп этила бошланди. Газетанинг ташаббускори Туркистон коммунистик партияси марказий кенгаши, яъни коммунистлар эди. Унга партия марказий кенгashi аъзоси, қўшинларда тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича катта тажрибага эга М.Троцкий бош муҳаррир бўлади.

Агаповнинг ёзишича, газета

## ФИТНА ТАРГИБОТИ

илк сонлариданоқ жамоатчиликни душманга қарши курашга тўла сафарбар этишга қаратилган кампанияни авж олдирди. Навбатдаги муҳим масала эса нашр воситасида Туркистонда мунтазам, юксак интизомга эга қизил армияни яратишга қаратилган кенг тарғибот ишларини олиб бориш эди.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, “Красноармеец” Туркистонда 1918 йилнинг февралидан бошланган истиқлолчилик харакатига қарши кучли мафкуравий қурол эди. Газетанинг дастлабки сонларидан:

- қисқа, лекин сиёсий жиҳатдан ўткир ва долзарб бош мақолалар;
- долзарб воқеа-ҳодисаларга шарҳлар;
- фронтдаги қайноқ жараёнлардан хабарлар;
- ишчи ва аскарлар митинглари, ийғилишларининг резолюциялари;
- қўшиннинг ҳаёти ва жанговар фаолиятидан аҳборотлар мунтазам чоп этила борди. Энг долзарб муаммолар бўйича бош муҳаррирнинг ўзи чиқишилар килади.

Коммунизм мафкурачилари бу билан бир томондан миллий истиқлолчилик харакатининг моҳијатини пасайтириш, большевиклар зулмига қарши қўлига қурол олган аждодларимизни “бандит”, “қароқчи”, “босмачи” деб камситиш, уларга қарши фаол курашишда матбуотдан самарали фойдаланишиди. Иккинчи томондан эса нашрнинг советлар хукмонлигини Туркистонда мустаҳкамлаш учун кучли, жанговар қурдатли қизил армияни ташкил этиш борасидаги тарғиботи жудаям кўл келди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий қутубхонасининг нодир нашрлар ва қўлланмалар бўлимида “Красноармеец” газетасининг 1919 йил 12 апрель сони биринчи саҳифаси сақланиб қолган. Ундаги “Яна бир ҳукумат”, “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз”, “Фолиблар тантанаси” сарлавҳали материаллар нашрнинг қизил аскарлар учун шўро мафкураси тарғиботчиси бўлганини кўрсатиш учун етарли. Буни газета шиори ҳам яққол тасдиқлайди: “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз, коммунизм сари олға”. Фикримизни қувватлаш учун мақолалардан бирида илгари сурилган муаммога қисқача тўхтасак. “Красноармеец” газетасидаги “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз” номли мақолада большевиклар ҳалқаро фронтларда қонли қирғинни жасорат билан бартараф этишгани,

улкан армияларнинг демобилизациясига сабаб бўлишаётгани, яқинлашиб келаётган озиқ-овқат инкиrozини тўхтатиб қолишгани, оқ гвардиячиларнинг фуқаролар урушидаги оғрикли зарбалари га мардонавор жавоб беришгани ва аксилинқилобий фронтларни оғишмай йўқ қилаётгани ҳақида баландпарвоз фикрлар юритилади. Газетанинг биринчи саҳифасида берилган бу бош мақола муаллифи “Г.О” деб ёзилган. Менимча гап ким ёзгани ёки муаллифи нега тахаллус билан берилганида эмас, балки мақоланинг сиёсий ва ғоявий жиҳатдан пухталиги ва аниқ мақсадга йўналтирилганидадир. Бу бош муҳаррир ёки партиянинг мафкурачилари томонидан газетанинг биринчи саҳифасида сиёсий муаммолар ижтимоий фикрга шундай манипулятив усууллар қўлланган ҳолда етказилганини исботлайди. Натижада газетанинг асосий аудиторияси бўлган қизил аскарларда советлар ишига, хусусан қизил армиянинг миллий истиқлол ҳаракатини бостиришга қаратилган қонли террори ҳақ эканлигига ишонч туйгулари мустаҳкамлана борган.

Интернетдаги манбада “Красноармеец” газетасининг мақсади ёш Туркистон республикасида қуроли кучлар қурилиши йўлидаги муҳим ҳарбий-сиёсий вазифани бажаришга ёрдам бериш ҳамда қизил армия ҳарбий қисмларидаги аскар ва командирларни совет ҳокимиятини ағдаришга қаратилган аксилинқилобий оқ гвардиячи, босмачи кучларига, чет эл интервентларига қарши курашга сафарбар этишдан иборат эканлиги қайд қилинган. Хусусан, газетанинг ҳарбий муҳбири, партия аъзоси бўлган В.Карпичнинг фикрича, газетанинг дастлабки катта аҳборот кампанияси 1918 йилнинг охирида ўтказилган қизил армия ва қизил гвардия вакилларининг қонли террори кенг тарғиботи этишга қаратилади. Муаллифлари камлигига, тажриба етарлича эмаслигига, моддий ва бошқа қийинчиликларга қарамасдан қизил аскарларнинг колектив тарғиботчи, ташвиқотчи ва ташкилотчи ролини газета шараф билан бажаради. Тилга олинаётган қонли “Красноармеец” газетаси Туркистон Қизил армияси ва Қизил гвардияси делегатлари ҳарбий кенгашининг, кейинчалик эса Турк Республика ҳарбий инқилобий кенгаши ҳузуридаги сиёсий бўлимнинг органига айлантирилади. Шунинг ўзи ҳам газетага сиёсий, мафкуравий қурол сифатида қанчалар эътибор беришганини исботлайди.

“Красноармеец” 1919 йилнинг 22 апрелигача чоп этилади. Шўроларнинг олти ой давомида Тошкентда чоп этилган мазкур илк ҳарбий нашри муҳим тарғибот қуроли экан, унинг оммаболлиги ҳақида нима дейиш мумкин? Кўзланган самарани бериши учун қизил аскарлар ўртасида нашр кенг тарқалганими? Бу саволга олим П.Агаповнинг Ф.Желтиковдан ёзиг олган хотиралари мисолида жавоб бериш мумкин. “Красноармеец” газетасининг оммаболлиги ҳақида қўшишларда тарқалишига қараб хуласаласа бўлади. Масалан, 1919 йилнинг январь ва март ойларида газета биргина Тошкент гарнizonida 18 та ҳарбий қисм ва бўлинмага тарқатилган. Қизил армия ва қизил гвардия вакиллари Туркистон биринчи қонли террори депутатлигига сайланган Ф.Желтиковнинг гувохлик беришича, газета кўплаб нусхада Каспийорти фронти бўйлаб тарқатилган ҳамда жангчилар орасида катта нуфуга эга бўлган.

Коммунистлар қизил армиянинг курдатини ошириш партияйи-сиёсий аппаратни кучайтиришга боғлиқлигини, бунда энг муҳим восита, қурол матбуот эканлигини амалда кўриши, бунга ишонч ҳосил қилиши. “Красноармеец” газетаси тажрибаси айнан бу жараёнда кўл келди. Натижада тилга олинаётган даврда, Туркистонда миллий истиқлолчилик ҳаракати авж олган пайтда бирин-кетин қизил армиянинг марказий, фронт, дивизион газеталари чоп этила бошланди.

“Красноармеец” газетаси чоп этилиши билан боғлиқ воқеелик қўйидаги хуласаларни беради:

■ мавжуд ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб Туркистонда совет ҳарбий матбуоти пайдо бўлишига асос солинади;

■ қўшин орасидаги аҳборот кампанияси самарадорлигига газета муҳим коллектив тарғибот ва колектив ташвиқот воситасига айлантирилади;


■ Туркистонда оммавий рашида қизил аскарлар нашрлари чоп этилишида сиёсий, ташкилий, ижодий тажрибалар ортирилади;

■ газета мисолида миллий истиқлол ва аксилинқилобий ҳаракатни бостиришда матбуотнинг сафарбарлик ва ташкилий кучига ишонч ҳосил қилинади.

**Алижон САФАРОВ,**  
**Ўзбекистон Журналистика**  
**ва оммавий коммуникациялар**  
**университети, Ҳарбий ва спорт**  
**журналистикаси кафедраси**  
**мудири, филология фанлар**  
**бўйича фалсафа доктори, доцент**

**Бугунги глобаллашув шароитида вужудга келаётган таҳликали вазият ва кескин рақобат даврида, дунёнинг айрим минтақаларида юз берәётган қуролли мажаролар, қарама-қаршиликлар, тобора авж олаётган янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмас долзарб вазифаларни қўймоқда.**

Мана шундай бир шароитда мамлакатимиз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва осуда хаётни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлиги ни чуқур сингдириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги замон талабидан келиб чиқкан ҳолда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ёш авлодни она Ватанга фидойи ва садоқат руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Бугунги ниҳоятда мураккаб ва таҳликали давр олдимизга янги-янги синов ва муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Лекин ҳаёт қанчалик машаққатли бўлмасин, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни изчил давом эттириб, ҳалқимизни рози қилишга, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз”. Зеро, шуни тे-ран англаган ҳолда бугунги кунда дунёда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, гоявий – мафкуравий курашлар кучаётган бир вақтда гоявий-мафкуравий бўшлиққа нисбатан мунтазам огоҳ бўлишни тақоза этмоқда. Айниқса, дунё миқёсида вужудга келаётган турли таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги вақтда ёшларимизда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини шакллантириш ҳамда юқсак маънавий-ахлоқий фазилатларни янада ривожлантириш долзарб вазифага айланиб бормоқда. Ёш авлодни юрга садоқат ва ватанга фидойи этиб тарбиялаш мамлакатимизнинг асосий стратегик вазифаси сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўз навбатида мазкур ҳолат, ёшларимизни мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш орқали уларда ватанпарварлик туйғуларини юқсалтиришга замин яратади. Ватанпарварлик – инсоннинг юқсак маънавий жасорат ҳисобланиб, у юқсак бурч ва орият тимсолидир. Шу билан бирга ватанпарварлик инсонни миллий ғурур ҳамда руҳий барқамоллик сари етаклаб, миллий ўзлигини англашга даъват этади. Зеро, ўз ҳалқига садоқат ва фидойилик, она Ватанини ҳимоя қилиш, уни чексиз севиш ҳар қандай инсоннинг ҳақиқий ватанпарварлик фазилати ҳисобланади. Ватанпарварлик Ватани-



нинг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари даҳлсизлиги Она Ватан мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ҳалқининг ор-номуси, шон-шарафи, баҳту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишдек муқаддас ва олижаноб фанолиятни англатади. Шу маънода, ватанпарварлик юрт равнақи учун фаол бўлишга ундейдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат, десак ҳам тўғри бўлади.

Тарихдан маълумки, Ватан озодлиги учун курашиш масаласи буюк алломаларимиз асарларида эзгу ғояларни ифода этувчи таълимотларнинг бош ғояси сифатида талқин этилган. Зеро, Ватан тарихини билган, улуг аждодлар меросини чуқур ўрганган ҳар бир инсон қалбида миллий ғурур-ифтихор туйғула-ри янада жўш уриб, эл-юрга, Ватанга садоқати ортиб бораверади. Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний Ватанини севиш ва уни ардоқлашни табиат ва жамиятнинг муҳим қонунияти сифатида таърифлайди. “Ватан. Ҳар бир кишининг туғулуб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғулган, ўсган ерини жонидан ортиқ суряр. Ҳатто бу ватан ҳисси-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, майшати талх бўлуб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати туар”. Ватанпарварлик туйғуси, аввало, инсонда юрга нисбатан ички ва ташки ҳавфларнинг олдини олишда мустаҳкам қолқон шаклланишига ҳизмат қиласи. Шу ўринда, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлиги учун курашда ташаббускор бўлиш,

тинчликни кўз қорачиғидек асараш, унга фидойилик билан ҳизмат қилишга ундейди. Инсон қалбида миллат, Ватан, аждодлар руҳи олдидаги бурч ва туйгулар қанчалик чуқур жой олган бўлса, маҳдудлик ўрнига улуг максадлари сари давват этувчи эзгу ғоялар вужудга келади. Мана шундай фазилатларга эга инсонларда курашчанлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини ан-

бўлган ишонч туйгуларини янада юқсалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Азалдан юртимизда ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келинган. Юртимиздан етишиб чиқсан буюк ватандошларимиз, мутафаккирлар, донишманд ва сиёсатчилар тарбия ва ахлоқ масаласига яқдиллик билан жиддий муносабатда бўлишга даъват этиш-

## МУҚАДДАС БУРЧ ВА ЮҚСАК ШАРАФ

глаш, миллат, Ватан шаъни ва манфаатини ҳимоя қилишдек муқаддас туйгулар шаклланади.

Бугунги таҳликали замон шиддати инсон учун ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда маънавият нақадар нажоткор куч эканини намоён этмоқда. Зеро, ахлоқсизлик, одобсизлик, маънавий қашшоқлик инсонни маънавий тубанлик гирдобига гирифтор этиб, кенг миқёсда эса жамият тараққиётини издан чиқариб, парокандаликни юзага келтираётганини кўрсатмоқда. Маънавият инсоннинг жамиятда яшashi учун зарур ижобий фазилатларини намоён этувчи бекиёс куч сифатида инсонда гўзал одоб-ахлоқ фазилатлари шакллантириш орқали унинг жамиятдаги мавқенини белгилаб беради. Шу боис, жамият ҳаётида маънавият масаласига ниҳоятда масъулият билан ёндашиши тақозо этмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланishi шарт!”. Бинобарин Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтаришимиз лозим. Зеро, Ватан ишқи жўш урган ориятли, маънавий жасоратга эга одамгина буюк ишларга кодир бўлади. Ватанпарварлик туйғуси инсонни туғилиб ўсган заминга бўлган муҳаббати, Она Ватанга бўлган меҳр ва садоқатида акс этиб, бу тушунча кенг маъно-мазмунни ўз ичига олиб, миллат ва ҳалқ, унинг тарихи ва бугуни ҳамда келажаги хусусида тафаккур қилишга даъват этди. Шу билан бирга, Ватанпарварлик ўз авлодни тарбиялашда ва келажакка

ган. Имом ал-Бухорий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Ҳоразмий, Кайковус, Амир Темур, Алишер Навоий, Маҳмуд Паҳловон, Захирiddин Муҳаммад Бобур каби алломаларимизнинг илмий-ижодий меросида Ватанини севиш, ёшларни ватанпарварлик тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, узоқ сафарларга кетиш олдидан юртдошларимиз доимо ватанни севиш ва уни кумсан учун ўзлари билан бирга Ватан тупроғини олиб кетишган. Шу бир кафт тупроқда Ватан хиди, тафти, меҳри мужассам бўлган. Ўша бир кафт тупроқни доимо қалбида муқаддас санаб, юртингиз бир қисми сифатида эъзозлашган.

Ватан шаъни, миллат ор-номуси учун жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш орқали юртимизнинг қиёфасида Ватандан фахрланиш хисси кўзимизни, қалбимизни тобора қувонтириб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Ватан ва ҳалқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиллар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиқсанлар”, дея таъкидлаган эди. Бинобарин, маърифатпарвар аждодларимизнинг мероси бугун биз кураётган ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун Янги Ўзбекистонни барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

**Мансур МУСАЕВ,  
Республика Маънавият ва  
маърифат маркази ҳузуридаги  
Ижтимоий-маънавий  
тадқиқотлар институти бўлим  
бошлиғи, сиёсий фанлари  
доктори**



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини кўллаб-кувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини кўллаб-кувватлаш” гранти асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг географик ва табиий ресурсларга бой худуди билан минтақавий экологик тизимда муҳим ўрин тутади. Аммо охирги ўн йилларда глобал иқлим ўзгариши, инсоний фаолиятнинг интенсивлашви ва саноат ривожланиши каби омиллар экологик муҳитга жиддий таъсир кўрсатмокда. Хусусан, сув ресурсларининг танқислиги, ерларнинг деградацияси ва ҳавонинг ифлосланиши мамлакат экологик муаммоларининг асосий масалаларига айланган.



## ЭКОЛОГИК МУҲИТ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Экологик барқарорликни таъминлаш нафақат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, балки иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини кўллаб-кувватлаш учун ҳам зарур. Шу сабабли, Ўзбекистон ҳукумати экологик ҳолатни яхшилаш бўйича қатор ислоҳотларни амалга ошириб, илмий ва инновацион ёндашувлар орқали муаммоларга ечим тошишга интилмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг экологик ҳолатини ўрганиш, мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва уларни ҳал қилишнинг самарали стратегияларини кўриб чикиш максад қилинган. Бу экологик муаммоларни чукурроқ тушуниш ва барқарор ривожланишга эришиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни аниқлашга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

### Экологик хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда жойлашган бўлиб, ўзига хос географик ва экологик шароитлари билан ажralиб туради. Мамлакатнинг табиий-иклими хусусиятлари ва ресурслари унинг иқтисодий ва экологик ривожланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шу билан бирга, бу омиллар мамлакатдаги экологик муаммоларни шакллантиришда ҳам аҳамият касб этади.

### Географик жойлашуви ва иқлими

Мамлакатнинг умумий ер майдо-

ни 447,400 квадрат километр бўлиб, мамлакат асосан чўл ва ярим чўл худудларидан иборат. Мамлакатнинг катта қисми текисликлар билан қопланган, жанубий ва шаркий худудларида эса тоғли худудлар мавжуд. Ўзбекистоннинг иқлими континентал бўлиб, иссик ёз ва совуқ қиши фасллари билан тавсифланади. Бу иқлим шароитлари табиий ресурслардан фойдаланишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

### Сув ресурслари

Ўзбекистон сув ресурслари танқис худуд ҳисобланади. Сув таъминоти асосан Амударё ва Сирдарё каби катта дарёларга боғлиқ. Шу билан бирга, бу дарёлар ўз манбаларини бошқа давлатларда олгани сабабли сув ресурсларини бошқаришда ҳалқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Сув ресурсларининг камлиги ва улардан нотўғри фойдаланиш муаммолари тупроқнинг шўрланишига ва ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келмоқда.

### Тупроқ ва ер ресурслари

Ўзбекистон ер майдонининг катта қисми шўрланган ёки чўлланишга учраган. Қишлоқ хўжалигида ерларнинг ҳаддан ташқари эксплуатацияси тупроқнинг деградациясига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ерларнинг нотўғри суғорилиши уларнинг унумдорлигини пасайтиради ва экологик мувозанатни бузади.

### Биологик хилма-хиллиги

Ўзбекистоннинг табиий шароитлари биологик хилма-хилликни бойитувчи омил ҳисобланади. Аммо инсон фаолияти натижасида кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетиш ҳавфи остида. Хусусан, чўл ва тоғ худудларидаги экологик мувозанатни сақлаш учун махсус табиатни муҳофаза қилиш чораларини кўриш зарур.

Ўзбекистоннинг экологик хусусиятлари табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва улардан оқилона фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради. Мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакатда ресурсларни самарали бошқариш, экологик инновацияларни жорий этиш ва аҳолининг экологик хабардорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳалқаро ҳамкорлик ва замонавий илмий ёндашувлар экологик барқарорликни таъминлашда асосий рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, мамлакатнинг географик жойлашуви, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва инсон фаолияти натижасида юзага келган экологик муаммолар уни Марказий Осиёдаги энг экологик заиф худудлардан бирига айлантиրмоқда. Сув ресурсларининг камайиши, тупроқнинг деградацияси, ҳаво ифлосланиши ва биологик хилма-хилликнинг камайиши каби муаммолар Ўзбекистоннинг экологик му-

возанатига жиддий таҳдид солмоқда.

Шунга қарамай, мамлакатда экологик ҳолатни яхшилаш бўйича бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Сув ва ер ресурсларини оқилона бошқариш, экологик тоза технологияларни жорий этиш ва аҳолининг экологик хабардорлигини ошириш бўйича давлат дастурлари ва қонунчилик ислоҳотлари экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ҳалқаро ҳамкорликни кучайтириш ва илмий-технологик инновацияларни кенг татбиқ этиш экологик барқарорликни таъминлашнинг асосий омиллари ҳисобланади.

**Мамлакат экологик ҳолатини яхшилаш учун қуийдаги стратегик чора-тадбирлар зарур:**

- Сув ресурсларини самарали бошқариш ва кайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш.
- Тупроқни деградациядан ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалиги технологияларини такомиллаштириш.
- Ҳавонинг ифлосланишини камайтириш учун саноат ва транспортда экологик инновацияларни қўллаш.
- Биологик хилма-хилликни сақлаш учун махсус қўриқона ва миллий боғлар тизимини кенгайтириш.
- Экологик маърифат ва тарғибот ишларини ривожлантириш орқали аҳолининг экологик маданиятини ошириш.

Ушбу ёндашувлар нафақат Ўзбекистоннинг экологик барқарорлигини таъминлайди, балки мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Экологик барқарорликка эришиш эса миллатнинг фаровонлиги ва келажак авлодларнинг яшаш сифати учун муҳим аҳамиятга эга.

**Мадина ТЎРА қизи,  
Экология, атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлиги мутахассиси**

### Биласизми?

## Боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи

Бола исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқига эга.

Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми — отасининг исмига кўра берилади.

Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига караб белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлгандга ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-онанинг хоҳишига кўра, болага ота томонидан милий анъаналарга кўра бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўргасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмагандага, келиб чиққан низо васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

### Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш

Ота-она (улардан бири) қуийдаги ҳолларда:  
ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа;

узрсиз сабабларга кўра ўз боласини тугурукхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;

ота-оналик ҳуқукини суиистеъмол килса, болалар-

га нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

муттасил ичкиликбозлик ёки гиёхвандликка мубтало бўлган бўлса;

ўз болаларининг ҳаётни ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаётни ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

### Болаларнинг оиласидаги хусусий мулки

Вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибида хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибида ҳадя, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига кўшган маблағи ва ундан орттирган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиласининг бошқа аъзолари ўргасида бошқача тартиби белгиловчи шартнома бўлмаса, voyaga етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг шахсий фойдаланишидаги буюллари (кӣим-кечак, пойабзал, ишлаб чиқариш куроллари, ўкув анжомлари ва бошқалар) уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

### Ота-она вояга етган болаларига алимент тўлаши мумкини?

Ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот берисиши таъминот берисиши шартиди.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот берисиши ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўргасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади.

Ота-онадаги вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оиласидаги маданиятига олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

**Н.УМАРОВА,  
Косон туман ФХДЁ бўлими мудираси**

Айниқса, Хива, Хонқа, Урганч, Янгиарик, ва Қўшкўпир туманлари аҳолиси катта-катта, дастурхонни тўлдириб тургудек бироқ қалинлиги 1 см.дан ошмайдиган нонлар ёпишга уста. Бу қадар катта нонларни ёпиш учун аёллардан эпчилик ва мөхирлик талаб қилинади. Негаки, маҳсулотга яраша рапида хам катта ҳажмда бўлади. Уни кўлга илдириб, тикач урилган ҳамирни қизиб турган тандирга зарб билан уриб ёпишириш осон иш эмас-да!

# ҚУЁШГА МЕНГЗАШ НОНЛАР

Хонқа туманидаги Олажа, Томадурвак қишлоқларида жуда қадими туркий уруғлар авлодлари истикомат қилишади. Уларнинг урф-одатлари сингари чўраклари хам бошқаларнидан фарқланади. Уларнинг нонлари бошқа туманлардагидан хам каттароқ ўлчамга эга ва жуда юпқа бўлади. Боғот туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йигини раиси, асли касби шифокор бўлган Шомурод Отазназаровнинг фикрича, юпқа нонлар юрак-ишемик касалликларида парҳез таом ҳисобланар экан. Сут ва сариёғ кўшиб ёпилган нонлар орадан қанча вақт утса хам ўзининг шифобаҳш кувватини сақлаб қолади. Шунинг учун хам воҳа одамлари ҳамирни сариёғ аралашган сутга қоришади. Бундай нонлар сафарга чиқкан кишилар учун жуда аскотади. II-жаҳон уруши даврида жангга кетаётган йигитларга аёллар ана шундай нонлар ёпиб бериб юбо-ришган экан.

– Хоразм нонлари бир пайтнинг ўзида таркибида сут ва ёғ борлиги учун хам олдий чой билан истеъмол қилинганида иккинчи таом вазифасини ўтайди, –дейди хонқалик фуқаро Шукуржон Аминова. – Қолаверса, бизда ҳар мавсумда ҳар хил турдаги нонлар ёпилади. Масалан: ноябр ойидан бошлаб то апрел ойигача ҳамирига қовоқ кўшиб ёпилган нонлар истеъмол қилинади. Буни “кадили чўрак” деймиз. Бу тур нонларимиз хам парҳез неъматларидан саналади. Кадили чўрак қандли диабет касали бор кишини тетиклантирувчи озиқдир.

Ёзда эса “памидорли чўрак” воҳаликларнинг севимли егулиги саналади. Бу тур нон кўпроқ иштаҳа очувчи неъматлардан биридир. Чунки унинг енгил нордонроқ таъми киши иштаҳа сизлигини даволаш хусусиятига эга. Қолаверса, помидор ўзининг темир моддасига бойлиги билан инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Агар уни томатсимон ҳолда қайнатиб олгач, ҳамирни кўшиб нон тайёрланган тақдирда хам организмдаги



темир танқислигини бартараф этиши мумкин. Негаки, темир моддаси олов таъсирида ўз хусусиятини йўқотмаслиги фанда маълум.

Хоразмнинг Боғот, Ҳазорасп туманларида қишида патрак ёпиш одати ҳалиям сақланиб қолган. Айниқса, Боғот туманидаги Қипчоқ, Қораянтоқ, Ҳазорасп туманидаги Бўстон, Пичноқчи, Карвак қишлоқларида оқ жўхори кўпроқ экилтани учун ҳам ноннинг бутури ҳозир ҳам учрайди. Патрак оқ жўхори унидан тайёрланади. Оқ жўхори унида ёпишқоқлик хусусияти йўқлиги боис ҳам уни тандирга ёпмайдилар, балки това, қозонлар ёхуд духовкада пиширадилар. Агар тандирга ёпмоқчи бўлсалар маҳсулотга озгина тегирмонда тортилган гуруч ёки буғдой уни кўшилади мабодо бундай қилинган тақдирда уни патрак сифатида эмас, балки загора қилиб тандирга ёпдилар. Загора тайёрлашда жўхори, гуруч ва буғдой унидан тайёрланган ҳамирга олдий сувда қайнатиб пишириб олинган қовоқ ёки сабзи атала ҳолига келтирилган ҳолда кўшилади. Озгина дам едирилгач, ҳамир зувала ҳолида тандирга ёпилади ва бир соат давомида тандир оғзи тагора, унинг устидан қалин чапон ва унга ўхшаш матолар билан беркитилади. Загора тайёрлаш учун тандирга ёқилиши лозим бўлган олов меъёрини ҳам яхши билан лозим бўлади.

Жўхори уни оқсилга, гуруч эса крахмалга, қовоқ ва сабзи ҳам ҳар хил дармондориларга бой бўлганилиги билан ҳам бундай усолда тайёрланган загора Хоразмда тетиклантирувчи неъматларнинг бирламчиси ҳисобланган. Ўтган асрнинг 50-йилларигача оммавий равишда тус олган канал қазиш тадбирига жўнаётган эрқакларни аёллар, албатта, тўрvasига загора солиб кўзатишган.

Хоразм нонларининг кўмма тури ҳозирги пайтда деярли кам учрайди. Уни одатда саҳро худудларида яшовчи аҳоли ёки кўчиб юрувчи чўпонлар ҳамда тандир курилмаган жойларда тайёр-

лашган. Бунинг учун олдий, текисроқ ерга гулҳан ёқилиб, олов пасая бошлагач, қизиб турган чўғ устига тош ёки қозон қўйиб унинг ичига ёйилган ҳамир қўйилган.

Шуниси эътиборлики, кўмма тайёрланётганида маҳсулот пишиш жараёнида қўйиб кетмаслиги учун у 5-6 дақиқадан ортиқ чўғ ичига қўйилмас экан. Энг қизиги, кўмма қизариб пишигач, уни тоза сочиқ билан артилганда у шундай жило берадики. Бу неъмат юзида на кул, на кум таъсири қолади. Баъзан бу неъмат ичига гўшт, қовоқ ва бошқа маҳсулотлар солиб ҳам тайёрланган. Бу эса гардишдек келадиган сомсани эслатган.

Изоҳ бериб ўтиш лозимки, бу неъматнинг “кўмма” деб аталишининг асосий сабаби – маҳсулот аксарият ҳолларда кулга кўмиб тайёрланган. Қорақалпоқ ва туркманларда “кўмма” деб аталадиган бу неъмат катта қисми ўғиз лаҳжасида сўзлашувчи хоразмликлар томонидан “тўмма” шаклида талаффўзда кўлланилган. Маълумки, ўғиз лаҳжасида кўпчилик ҳолларда “к” ундоши “г” лашади, масалан: келдим – галдим, кетдим - гетдим, кел - гал каби ва ҳоказо. Бора-бора ёғда қоврилган, тандирда ёпилган сомсасимон емаклар ҳам “тўмма” деб атала бошланган. Ҳозир ҳам воҳада сомсага нисбатан ҳам “тўмма” сўзининг кўлланилиши бу фикрнинг нечоғлик ҳақлигини тасдиқлайди. XX асрнинг ўрталарида “тўмма” сўзи ҳозирги Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлақатлари худудларига “тўмма” шаклида тарқала бошлаган. Ачинарли томони шундаки, соғ туркий сўз бўлган “тўмма”ни бугунги кунда ҳам марқазий вилоятларда яшовчи ўзбеклар русчага мослаштириб “тўмма” шаклида ишлатмоқдалар.

Азалдан Хоразм нонларида күёш рамзи акс этиб келган. Унинг катта, думалоқ ҳажмга эгалиги, тикач нашқларининг босилиши жиҳатидан ҳам офтоб гардишини эслатади. Бу, албатта, минтақамиз номи “Хор” – күёш, “азм” – ер, яъни “куёшли ўлка” деган маънени англатиши билан ҳам боғлиқ бўлса керак.

Эрпўлат БАХТ,  
Хоразм

## Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси  
Экология, атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш ва иқлим  
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишибилармонлар ҳаракати  
– Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон Нодавлат  
потижорат ташкилотлари  
миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат палатаси.

## Тахрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Акмал САЙДОВ  
Актам ҲАЙИТОВ  
Камолиддин  
ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир  
Мақсад ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-110  
Адади: 1600  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигига  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.


ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик  
жиҳатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ”  
нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
масъул.

Маълумот учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



# ҲАЙРАТЛАР МАНЗИЛИ

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, сайёхлар оқимини янада кўпайтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, туризм аҳамияти жиҳатидан юртимизни дунёга танитишда спорт, санъат каби муҳим ўринни эгаллайди. Турли халқларнинг урф-одатлари, маънавий қадриятлари, маданий дўстлик алоқаларини бир-бирига боғлашда хизмати бекиёс бўлган туризмни ҳақли равишда ҳар бир юртнинг миллий бойлиги, қадриятлар кўприги, деб аташ мумкин.

Қадими шаҳарларимизнинг неча минг йиллик тарихи, мозий қатидаги дурдоналар, халқимизнинг кўп асрлик маънавий қадриятларини тиклаш борасидаги кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиши мазкур соҳа имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Жумладан, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ҳам кўплаб тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бири ўз тарихига эга бўлган ёдгорликлар, Амир Темур давридан бизгача сақланиб келинаётган бебаҳо маданий мерос билан танишиш, воҳанинг бетакрор табиатидан баҳраманд бўлиш учун ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ортмоқда. Бинобарин, Қашқадарё вилоятида туризмни янада

иили давомида маҳаллий 2 094,7 минг ва 563,1 минг нафар хорижий сайёхлар жалб қилинди.

Кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари бунёд этилганлиги боис сервис хизмати самарадорлиги ошмоқда. Шу ўринда 20 дан ортиқ йўналишлар вилоятга ташриф буюраётган сайёхлар хизматида. Қарши шаҳрида ички инвестиция ва кредит хисобига 11 миллион долларлик 31 та замонавий лойиҳалар асосида меҳмонхона, ҳостел, транспорт ва умумий овқатланиш хизматлари, шунингдек 812 та иш ўринлари яратилди.

— Эндиликда минглаб хорижилклар ва республикамизнинг турли худудларидан келган сайёхлар милоддан илгари ва то ўн бешинчи асрғача Кеш деб аталган, соҳибқирон Амир Темур давридан бошлаб Шаҳрисабз номини олган тарихий шаҳарни катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бу ерда сақланиб қолган қадими осориатикалар, меъморчилик обидалари, муаззам Оқсаройдан қолган қисмлар унинг баҳаво табиати, табиий манзараси ҳар

бир кишида таассурот уйғотиши аниқ, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Алишер Зокиров.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда туризм тобора ривожланиб бормоқда. Япония, Жанубий Корея, Россия, Германия, АҚШ,



Хиндистон, Хитой, Малайзия ва Австралия каби давлатлардан ташриф буюраётганлар Қаршидаги Одина, Кўкгумбаз тарихий обидалари, Қашқадарё кўприги, Еркўргон, Юнесконинг бутун жаҳон маданий мерослар рўйхатига киритилган Шаҳрисабздаги Оқсарой, шунингдек, худудда жойлашган “Дорут-Тиловат”, “Дорус-саодат” мажмуалари, Чўбин мадрасаси, Қова карвонсаройи, Жаҳонгир Шамсиддин Кулол мақбаралари, Амир Темур моддий маданият музейи, Китоб туманидаги Ҳазрати Башир, Қамаши туманидаги Лангар ота, Майданак дам олиш маскани, Касби туманидаги Султон Мирхайдар ота зиёратгоҳи каби муқаддас қадамжолар билан бир қаторда барпо этилган бунёдкорлик ишларини ҳайрат билан томоша қилишмоқда.

**Шавкат КАРОМОВ,**  
**“Жамият” мухбири**



да ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларни кенгайтиришга қаратилган дастур асосида муайян ишлар амалга оширилаётir.

Вилоядга 49 та туроператорлик ва турагентлик ҳамда 92 та меҳмонхона ва ҳостеллар иш фаолияти йўлга кўйилган. Хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, 2023 йилда саёҳатчиларга 44 миллион долларлик хизмат кўрсатилган бўлса, 2024 йилга келиб бу кўрсатич 112 миллион долларни ташкил этди, экспорт хизмати эса 68 миллион долларга ошиди. Ўтган

